



Халқимизнинг ҳаётдан мамнунлигини кўриш ислоҳотларимизнинг асосий мақсадидир

Муносабат

Натижадорлик ва ҳисобдорлик муҳим мезонга айланади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар ижроси билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 20-21 август кунлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи кунини Президентимиз раислигида Нукус шаҳрида Қорақалпоғистонни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, шаҳар ва туманлари сектор раҳбарлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирок этди.

Йиғилишда барча ҳудудларда бўлгани каби Қорақалпоғистонда ҳам ижобий сифат ўзгаришларига эришилгани таъкидланди. Биринчи ярим йилликда ялпи ҳудудий маҳсулот 7,2 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,4 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 45 фоизга ўсган.

Президентимиз ҳудудда ҳали муаммолар кўпчилигини, sanoatни ривожлантириш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича ишлар етарли эмаслигини таъкидлади.

– Бу ерга қарсак учун эмас, ишлаш учун, халқимизнинг кўзига қараш учун келдим, – деди Шавкат Мирзиёев. – Дунёқарашини ўзгартирмаган сектор раҳбарлари оёғимизга қишан. Ишга кирган битта хотин-қизнинг бахтинини тасаввур қиласизларми? Ёшларни ким етаклайди, уларга тўғри йўналиш беради? Мўйноқ мисолида кўрдиларингиз. Одамларнинг кўзларини “қилса бўлар экан-ку”, деган нур бор. Лекин энди бу тарих. Ҳамма туманларда шундай ўзгаришлар қилиш керак.

Биринчи ярим йилликда Қорақалпоғистонда sanoat ишлаб чиқариш ҳажми атиги 0,5 фоизга ўсгани, Тахтақўпир, Шуманай, Нукус, Чимбой, Тўртқўл, Кегейли туманларида sanoat деярли йўқлиги танқид қилинди. Хизмат кўрсатиш, тadbirkorлик ривожини ҳам сўст.

– Охириги уч йилда туб ислоҳотлар натижасида кўплаб соҳаларни эркинлаштирдик, уларнинг ривожига ҳалқит берган чекловларни бекор қилдик. Қорақалпоғистонда ҳам ҳар бир сектор раҳбари чекловларни бекор қиламан, тadbirkorга хизмат қиламан, деган қонда, шир билан ишлаши керак, – деди Президент.

Йиғилишда Қорақалпоғистонни янада тараққий эттириш бўйича бешта устувор йўналиш белгилаб берилди.

Биринчиси – sanoatни ривожлантириш, барча тармоқларда йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишдан иборат.

Иккинчи устувор йўналиш тadbirkorлик жадал ривожланиши учун кенг йўл очиб бериш ва уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашдир.

Қишлоқ хўжалигида илғор технологияларни кенг жорий қилган ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажми, ҳосилдорлик ва маҳсулот турларини кескин ошириш учинчи устувор йўналиш этиб белгиланди.

Тўртинчиси – ишлаб чиқариш ва одамлар учун қулай бўлган замонавий инфратузилмани яратиш.

Оролбўйи аҳолисининг яшаш шароити ва турмуш даражасини яхшилаш юзасидан кенг қамровли ишларни амалга ошириш эса бешинчи устувор йўналиш сифатида эълон қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳар бир йўналишда назарда тутилган масалаларга алоҳида тўхталиб, улар

бўйича фаол ишлаш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, уларни турли соҳаларга ихтисослаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Жумладан, Қораўзақ тумани қурилиш материаллари, Беруний, Хўжайли, Нукус туманлари мева-сабзавотчилик, Тахтақўпир чорвачилик, Шуманай паррандачилик, Элликқалъа узумчилик ва туризм, Мўйноқ балиқчилик ва чорвачилик, Кегейли чорвачилик, қизилмияни қайта ишлаш ва қоғоз sanoati, Қанликўл тумани дуқакли экинлар ва шоли етиштиришга ихтисослаштирилиши қайд этилди.

Қўнғирот туманини нефть-кимё sanoati ва чорвачиликка, Чимбойни қизилмия етиштириш ва қайта ишлашга, Тўртқўлни шиша, ойна ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, Амударё туманини боғдорчилик, тўқимачилик ва пиллачиликка, Нукус шаҳрини эса фармацевтика ва электротехникага ихтисослаштириб, Тахياتош туманини sanoat ишлаб чиқариш ҳудудига айлантириш мақсада мўвофиқлиги таъкидланди.

Йиғилишда сектор раҳбарлари Президентимиз берган топшириқларни баҳарли, ўз ҳудудда вазиятини яхшилаш, қўтилган натижага эришиш бўйича қарорлар берди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Қорақалпоғистонга ташрифи доирасида мамлакатимизни янги тараққиёт босқичига кўтаришда, энг аввало, салоҳиятли янги авлод кадрларини тайёрлаш зарурлиги, бунинг учун юртимизнинг ҳар бир ҳудудига биттадан янги типдаги таълим муассасаси – Президент мактаблари ташкил этилишини таъкидлаган эди.

Президентимизнинг жорий йил 20 февралда “Президент мактабларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида Президент мактаблари мамлакатнинг барча ҳудудларида босқичма-босқич ташкил этилмоқда.

Айни пайтда Нукус, Наманган, Хива ва Тошкент шаҳарларида Президент мактаблари қурилиши жадал давом этмоқда.

Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳридаги Президент мактабида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетига тегишли ҳудудда қурилаётган ушбу таълим муассасасига жорий йилнинг март ойида тамал тоши қўйилган. Икки гектар ҳудудда замонавий ўқув биноси, ётоқхона, ошхона, стадион қурилмоқда.

Президент мактабларини ташкил этишдан асосий мақсад мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудига иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларнинг ривожланишига зарур шароитлар яратишдир. Энг қобилиятли ўқувчилар танлаб олинган бу мактабларда ёшларга математика, физика, кимё, биология ва ахборот технологиялари ҳамда хорижий тиллар илғор таълим услублари асосида чуқур ўргатилади.

Шу билан бирга, мактабларга малакали хорижлик ва маҳаллий педагоглар жалб этилади. Уларнинг фаолият юритиши учун керакли шароитлар яратилади.

Мазкур мактабларда ўқув жараёни хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлари бўйича инглиз тилида амалга оширилади ва “STEAM – таълим” (Science – табиий фанлар, Technology – технология, Engineering – техник ижодкорлик, Art – санъат,



Mathematics – математика) дастури асосида олиб борилади.

Президент мактабларининг 9-11-синфларида таълим олиш ўқувчиларнинг қизиқишига кўра айрим фанни танлаш ва уларни ўрганиш даражасини инобатга олган ҳолда индивидуал ўқув жараёни асосида амалга оширилади.

Мактаб битирувчилари белгиланган тартибда давлат томонидан тасдиқланган шаходатнома, аттестат билан бир қаторда, халқаро даражадаги тегишли дастур дипломи (International Baccalaureate, Advanced Placement ёки International Advanced Levels)га эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, хорижий олий ўқув юртига кириш имконини беради.

Президент мактабларига қабул имтиҳонлари Кембриж университетининг Cambridge Assessment International Education бренди остида фаолият юритувчи Имтиҳон кенгаши томонидан амалга оширилди.

Нукусдаги Президент мактабига ўқишга 7 мингдан ортиқ ўқувчи ҳужжат топширган эди, улар орасидан энг иқтидорли 144 ўқувчи ўқишга қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларга алоҳида тўхталиб, Президент мактаблари юртимизда таълим сифатини оширувчи локомотив бўлишини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев мактабнинг биноси ҳам, маърифати ҳам мукамал бўлиши кераклигини, шунинг учун уни шоммасдан, сифатли қуриб, Конституция байрамида фойдаланишга топшириш зарурлигини таъкидлади. Унгача ўқувчилар бошқа бинода ўқиб туради.

Давлатимиз раҳбари мазкур билим даргоҳи учун педагоглар қандай танланаётгани билан қизиқди. – Бу мактабларнинг ўқитувчиси ҳам, ўқувчиси ҳам энг намунали бўлиши лозим, – деди Президент. – Чуқур билим билан бирга маънавият, ватанпарварлик туйғуси ҳам синдирилиши зарур. Бу ерга билимли болалар келиши учун ҳар бир туманда базавий боғча ва мактаблар шаклланиши лозим. Шунда умумий билим, савия, таълим муҳити ўзгаради.

Шу ерда Президентимизга Нукус шаҳри бош тарҳи, “Нукус сити” қурилиши режалаштирилаётган ҳудуд ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев Тахياتош туманидаги “Мадед Ботир” фермер хўжалиги даласида ғўза ривожини кўздан кечирди.

Ушбу хўжаликнинг жами ери 110 гектар бўлиб, 60 гектарда пахта етиштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дала агро-техникасидаги камчиликларни кўрсатиб, пахта пишишини тезлаштириш, ҳосилга ҳосил қўиши бўйича ўз тавсияларини берди. Қишлоқ хўжали-

гида илм-фандан кенг фойдаланиш, Қорақалпоғистоннинг иқлимига мос навлар яратиш лозимлигини таъкидлади.

Президентимиз Тахياتош иссиқлик электр станциясида қуввати 230-280 мегаватт бўлган иккита буг-газ қурилмасини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаси билан танишди.

Тахياتош иссиқлик электр станцияси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида барпо этилаётган йирик иншоотдир. Бу ерда буг-газ қурилмасининг биринчи навбати жорий йил охиригача, худди шундай иккинчи қурилма кейинги йил январь ойида ишга туширилади.

Корея Республикасининг “Hyundai Engineering Co. Ltd.” ва “Hyundai Engineering & Construction Co. Ltd” компаниялари ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳанинг умумий қиймати 678,2 миллион долларни ташкил этади.

Иккита буг-газ қурилмаси ишга туширилиши натижасида станциянинг умумий қуввати 730 мегаваттдан 1003 мегаваттгача ошади. Йилга 488,6 миллион куб метр табиий газ тежалишига эришилади. Шунингдек, йиллик сув сарфи 293 миллион куб метрга камаяди. 100 га яқин янги иш ўрни яратилади.

Айни пайтда иншоотда 85 фоиз ишлар бажарилган. Қурилиш-монтаж, ускуналарни ўрнатиш ишлари давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари буг-газ ускунаси қурилишини кўздан кечирди. Мазкур янги қувватларни барпо этишда иштирок этаётган корейлик мутахассислар билан суҳбатлашди.

– Мамлакатимиз энергетика хавфсизлигини таъминлаш бўйича тизимли ишларни амалга оширяпмиз. Sanoatни ривожлантириш борасида катта марра олганмиз, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этияпмиз. Булар учун, аввало, мустақкам инфратузилма керак. Тақлимархон, Навоий, Тўрақўрғон, Тахياتош иссиқлик электр станциялари модернизация қилиниб, қувватлари оширилаётгани ана шундай асос бўлади. Аҳолини, корхоналарни электр энергияси билан барқарор таъминлайди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда Президентимизга Устюрт минтақасида нефть ва газ захираларини аниқлаш бўйича олиб борилаётган геология-қидирув ишларининг ҳолати ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шу билан Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Алоуддин ҒАФФОРОВ,
Умар АСРОРОВ
ЎЗА МАХСУС МУХБИРЛАРИ

Шу йил 14 август кунини Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2019 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш ҳамда 9 ой ва йил якуни бўйича белгиланган прогноз параметрларига эришишни таъминлайдиган устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

Йиғилиш макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, ёқилги-энергетика, қайта ишлаш sanoati ва агросаноат тармоқларини модернизация қилиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳаларни яхшилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар натижалари таҳлил қилиниб, кўпгина муаммоларга ечим излаш баробарида мутасаддилар кесимида аниқ вазифалар белгилаб берилгани билан аҳамиятли бўлди.

Тахририят О'zLiDePнинг ушбу йиғилишдан келиб чиқувчи яқин истиқболдаги мақсад ва режаларидан воқиф бўлиш ниятида партия раҳбари ва фаоллари, Олий Мажлисдаги фракциямиз аъзоларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

3-4-5

Ватан манзумаси



Муҳаммад РАҲМОН

АЁ ДЎСТ...

Аё, дўст, тойларинг саман бўлгуси, Остонаг жамбилу суман бўлгуси.

Ҳоли паришонлик, тўзғинлик етар, Эл энди бир жону бир тан бўлгуси.

Қаддини, қадрини кўтарган юрт бу, Гиряси алёру ўлан бўлгуси.

Кўз тиккан кўзиксин, худога солдик, Ёмонга нияти кафан бўлгуси.

Аё, дўст, аёв бор ёр шиквасида, Зулфлари бўйнингга каманд бўлгуси.

Қизларинг – расида, ўғилларинг – алп, Бир бўлар, юз бўлар, туман бўлгуси.

Бебақо дунёда бақо йўқ, дема, Шоирдан сенга бу сухан бўлгуси:

Балки Аҳмад бўлмас, Муҳаммад бўлмас, Ўчмас ном биз учун Ватан бўлгуси!



Меҳнат мигрантлари манфаатлари муҳим

Президентимиз имзолаган “Хорижда вақтинча меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини янада кучайтириш тўғрисида”ги фармон бутунги куннинг долзарб муаммосига ўзига хос ечим бўлиши шубҳасиз.

Миграция табиий жараён. Дунёнинг бирор бир мамлакати бундан юз ўгиролмайди ва ушбу жараённи тўхтатишга қодир ҳам эмас. Бироқ мазкур ҳолатни тартибга солиши ва ўз фуқаролари учун ҳуқуқий ҳимоя механизмини яратиши мумкин.

Ўзбекистон шу йўлда зарур ислохотларни амалга ошириб келмоқда. Президентимиз томонидан яқинда имзоланган “Хорижда вақтинча меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини янада кучайтириш тўғрисида”ги фармон бу борада қўйилган муҳим қадамлардан бири десак хато бўлмайди. Ушбу ҳужжатда фуқароларни

хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ вазибалар белгилаб берилди.

Мазкур фармоннинг асосий жиҳатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, унда хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ транспорт ва бошқа харажатларни қоплаш ҳамда зарур ҳужжатларни расмийлаштириш учун меҳнат муҳожирларига молиявий ёрдам кўрсатиш, улар учун миграцион ва меҳнат қонунчилиги бўйича қисқа муддатли ўқувларни ташкил этиш, муҳтож меҳнат мигрантларига ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ёрдам кўрсатиш, хорижда ишлаб ватанимизга қайтиб келган меҳнат мигрантларига бошқа масалаларда кўмаклашиш, уларнинг оила аъзоларига уй-жой шароитларини яхшилашда ёрдам

бериш каби ҳаётини масалалар қамраб олинган.

Фармонда белгиланган яна муҳим қарор эндиликда чет элда мушкул аҳволга тушиб қолган ва ёрдамга муҳтож меҳнат мигрантлари масофавий муурожаат қилишлари мумкин. Мазкур ишлар Ягона миллий меҳнат тизими доирасида яъни “Labor-migration” дастурий комплекси орқали амалга оширилиши белгиланди.

Соддароқ қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг ушбу фармони хорижда меҳнат қилаётган ҳар бир Ўзбекистон фуқароси эндиликда эътиборда, ҳимояда эканлигини англатади. Яъни, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси у қаерда, қандай шароитда меҳнат қилишидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясига олинади.

Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О‘zLiDeP фракцияси аъзоси

Амалда ҳуқуқий ҳимоя керак

Қувонарли жиҳати шундаки, О‘zLiDeP томонидан илгари сурилган бир қатор таклифлар давлатимиз раҳбарининг “Хорижда вақтинча меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини янада кучайтириш тўғрисида”ги фармонида ўз аксини топди.

Партияимиз таклифига кўра, меҳнат мигрантларига бир йил муддатга сўраладиган ҳужжатлар

минимал пакети (паспорт, ариза ва меҳнат органининг илтимосномаси), гаров таъминотисиз, уни тезлаштириб бир банк иш куни давомида беришни расмийлаштириш маъқулланди. Бундан ташқари, хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлаш учун 2 миллион сўм миқдорда микроқарзлар бериш тизими жорий этилмоқда. Шу билан бирга ҳар бир сўғурталанган меҳнат мигрантига йилга бир маротаба 50 минг сўм миқдорда хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида ҳаёти ва соғлиғи ҳамда бошқа таваккалчиликларни сўғурталаш бўйича сўғурта муқофоти суммасини қоплаш учун сўғурта компанияларига

бирйўла субсидия тақдим этиш тартиби ишлаб чиқилдиган бўлди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Фармонга кўра эндиликда вақтинча меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун хорижда жўнаш истагини билдирган фуқароларга онлайн режимида ишга жойлашиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида ахборот бериб борилади.

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
О‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўлим мудири

Сайловолди тадбирлари

О‘zLiDeP: қонунийлик, шаффофлик, очиқлик – асосий шиоримиз



Шу йил декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларга депутатлик сайловлари бўлиб ўтди. Соҳа мутахассислари, экспертлар қайта-қайта таъкидлаётганидек, бу галги сайловлар мутлақо янгича шароитда ўтди.

Шундай бўлиши табиий. Сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар одамларнинг сиёсий онги ва дунёқарашини ўзгартирибгина қолмай, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини ҳам фаоллаштирди. Қолаверса, жорий йилги аниқ сиёсий жараён мамлакатимиз тарихида илк бор Сайлов кодекси асосида ўтказилди. Бу эса қонунийлик, шаффофлик, очиқлик таъминлашиши гаровидир.

Демак, О‘zLiDePнинг барча бўғинларидаги фаоллар ана шу талабларга жавоб берадиган

даражада сиёсий жараёнга кириб бориши керак бўлади. Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан ташкил этилган “Сайловлар: ғалаба стратегияси ва тактикаси” мавзусида мураббийлар ўқишдан ҳам аниқ шу мақсад кўзланди. Саккиз кун давом этган ўқувнинг биринчи босқичида партиянинг марказий ва ҳудудий кенгашлари вакиллари Ўзбекистон миллий университетида икки гуруҳга бўлинган ҳолда 35 нафар малакали мутахассис ва профессор-ўқитувчидан сабоқ олишди.

Мазкур босқичда 45 нафардан иборат республика даражасидаги мураббийлар гуруҳи тайёрланди. Улар эса ҳудудий кенгашлар аппарат раҳбарлари, раис ўринбосарлари ва мутахассислари, яъни жами 628 нафар вилоят ва туман мураббийларини тайёрлаш учун ўқув ташкил этишди. Кейинги босқичларда 673 нафар республика, вилоят ва туман мураббийларининг ҳамкорликдаги фаолияти йўлга қўйилади ва бунда партия қузатувчи-

лари, ваколатли вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят туман (шаҳар) кенгашларига депутатликка номзодлар ҳамда уларнинг ишончли вакиллари тизимли равишда ўқитилади. Мақсад сайловга пухта тайёрланган, замонавий сайлов технологиялари борасида зарур билим ва кўникмани эгаллаган кадрлар билан кириб боришдан иборат.

Шу боис семинарлар уч йўналишда олиб берилди. Биринчи йўналишда партия сайловолди дастури ва асосий гояларининг мазмун-моҳияти билан бўлғуси мураббийлар таништирилди. Хусусан, сиёсий кучнинг иқтисодий йўналишдаги ишлари, тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаоллигини ошириш, мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш ҳамда соҳа эгалари манфаатини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини амалиётга жорий этиш вазибаларига эътибор қаратилди.

Навбатдаги йўналишда марказий ва ҳудудий сайловолди штаблари фаолиятини такомиллаштириш, сайловолди штабда республика ва маҳаллий ОАВ орқали тарғиботни ташкиллаштиришга эътибор қаратилди. Учунчи йўналиш эса фаолиятга замонавий иш услубларини жорий этиш, сиёсий ва ПР технологиялар, паблисити асослари, сиёсий партия ва унинг фаоллари учун зарур бўлган имиж-мейкинг ва бошқалар атрофида ўргатилди.

– Ўқув семинарда иштирок этганим аниқ муддао бўлди, – деди О‘zLiDeP Сурхондарё вилояти Кенгаши ҳузуридаги сиёсий таълим маркази раҳбари Гулмира Амирова. – Сабаби, бу йилги сайловлар аввалгилардан бошқача ўтиши аниқ. Ўқувларимизга малакали, тажрибали мутахассислар жалб қилинган ва барча саволларимизга улардан аниқ жавоб олаётганимиз сайлов жараёнларида ўз самарасини беришига ишонаман.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

Депутат минбари



Тўлқин КАРИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О‘zLiDeP фракцияси аъзоси

Таракқиёт пойдевори

Турмуш фаровонлигини оширишнинг энг самарали йўли тадбиркорликни ривожлантириш бўлиб, бунда моддий ва интеллектуал мулк эгалари асосий харақатлантирувчи куч ҳисобланади. Шу боис партиямиз электротартибнинг негизи бўлган тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда.

Инвестиция жалб қилиш учун қулай муҳит яратилаётгани, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланаётгани, солиқ тизими тубдан ислоҳ этилиб, бизнес субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширишларнинг бекор қилиниши каби ишлар шулар жумласидандир.

Бизнес юритиш учун яратилаётган имкониятлар ҳақида гап кетганда, тадбиркорларни текширишга икки йиллик мораторий эълон қилинган, 138 та лицензия ва рухсат бериш билан боғлиқ талаблар соддалаштирилиб, 42 таси бутунлай тугатилган, 35 мингга яқин товарлар бўйича бож миқдори ва 800 га яқин товарлар бўйича акциз солиғи ставкалари камайtirилгани ҳам унутмаслик керак. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти учун ер майдонларини электрон аукцион орқали ажратиш тартиби жорий этилган, инвестор ва ишбилармонларга етказилган мулк зарари тўлиқ қоплаш кафолатланган, 18 та эркин иқтисодий зона ва 135 дан зиёд кичик sanoat зонаси ташкил этилган, аграр соҳада босқичма-босқич кластер усули жорий этилиб, пахта хомашёси, бошоқли дон бозор тамойиллари ва нархларида харид қилиниши белгиланган ҳам фикримиз далилидир.

Шу йилнинг 1 январидан бошлаб эса аниқ солиқ концепцияси асосида иқтисодиётга солиқ юки сезиларли даражада пасайтирилди, амалдаги солиқ турлари 19 тадан 15 тагача камайtirилди. Солиқ ислохотлари амалга оширилиши натижасида қўшилган қўйимат солиғи тўловчилари сони 7 бараварга ошиб, 48 мингга етди. Мазкур солиқ тушумлари бўйича давлат бюджетига 11,2 триллион сўм кирим қилиниб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан бу кўрсаткич 1,9 бараварга ўсди. Солиқ тўловчилар билан жойларга чиқиб ишлаш, тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бориш натижасида 571 мингдан ортиқ иш ўрни легализация қилинди, 62 мингдан ортиқ юридик шахс ва 66 мингдан ортиқ яқка тартибдаги тадбиркор рўйхатга олинди.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш орқали янги иш ўринлари яратиш, бандликни таъминлаш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўр-

сатиш мақсадида “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури ҳаётга жорий этилди. Унда кўзда тутилган вазибаларни молиявий таъминлаш мақсадида 7,2 триллион сўм йўналтирилди. Биргина Андижон вилоятининг ўзида 21 543 нафар фуқарога банклар томонидан 358 миллиард 350 миллион сўм имтиёзли кредит берилиши натижасида шунча хонадон барқарор даромад манбаига эга бўлди.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга ажратилган 100 миллиард сўмдан жорий йил орти ойда 41 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилиб, 1755 та лойиҳа амалга оширилди ва 2240 та иш ўрни яратилди.

Иқтисодий фаол аҳолининг 27 фоизи банд бўлган аграр соҳа ва озиқ-овқат sanoatининг барқарор ривожланиши маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламининг кенгайишига имкон берди. Бунда, аввало, фермерлар манфаатдорлиги ва даромадларини оширишга қаратилган механизмларнинг жорий этилиши муҳим омил бўлди. Натижада бугун истеъмол маҳсулотларининг 70 фоизи аграр соҳа ва озиқ-овқат sanoati тармоғида яратилмоқда. Асосий эътибор экспортбоп мева-сабзавот, озиқ-овқат ва чорвачилик маҳсулотлари этиштириш кўламини кенгайтиришга, кичик ишлаб чиқариш шохобчаларини ташкил этиш ва сервис хизматлари кўрсатишга қаратилган эди. 180 дан зиёд турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 80 та мамлакатга экспорт қилинмоқда. Ҳозирда 94 та туманда 76 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилган. 15 минг гектар интенсификация босқичида 11 минг гектар тоқзор барпо қилинган.

Хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантиришга ҳалақит бераётган тўсиқ ва чекловларнинг бартараф этилаётгани, кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликларининг экспортдаги иштирокини янада рағбатлантириш бўйича кўшимча комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши тўғрисида тадбиркорлик фаолияти истиқболлари сифат ва самара жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида шиддат билан кечаётган ислохотлар, аниқсиз, хусусий тадбиркорликка яратилаётган имкониятлар халқимиз фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Натижадорлик ва ҳисобдорлик муҳим мезонга айланади

Бошланиши 1-саҳифада.

Мамлакатимиз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган, давлат бошқарувидаги туб ўзгаришлар халқнинг ичига кириб бориш, ҳаётга яқинроқ бўлиш, ҳудудларни ривожлантиришга устуворлик берилишида кўзга ташланди. Ушбу йўналишдаги ишлар янада чуқурлаштирилиб, мантиқий давом сифатида янги тартиб жорий этилмоқдаки, бу ҳам ислохотларнинг натижадорлигини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари бундан буён Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, вазирлар, кўмиталар ва ҳўжалик бирлашмалари раислари иш услубини ўзгартириб, кўпроқ ҳудудларга, олис қишлоқларга бориб, пастдаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда ҳоқимликлар, тадбиркорлар ва жойлардаги раҳбарларга амалий ёрдам бериши зарурлигини таъкидлади. Масаланинг яна бир эътиборга молик жиҳати, эндиликда республика даражасидаги раҳбарлар мавжуд муаммоларнинг ҳал этилиши ва натижалари бўйича вилоят халқ депутатлари кенгаши ва фаоллари олдида ҳисобот бериб боради.

Янги тизимни амалда жорий қилиш асосида ўз ўзидан халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг нуфузи ва таъсир доираси ошиб, шунга яраша зиммасидаги масъулият ҳам кучайтирилиши тақозо этилади. Ҳўш, жойларда фаолият юритаётган партияимиз депутатлари мутасаддиларнинг ҳисоботини эшитишга қанчалик тайёр? Шундай имкониятдан фойдаланиб, ўзига берилган ваколат ва халқ ишончини чуқур ҳис этган ҳолда, тараққиётимиз йўлидаги ғовларни бартараф қилишда халқ ноиблари қатъий позициясини қанчалик намойён эта олади?

Зеро, ислохотларнинг ҳозирги босқичида депутатларга жуда катта ишонч биндирилмоқда. Бугун биз ана

шундай ўткир саволларни кўндаланг қўйиб, фаолиятимизни қисқа фурсатда танқидий ёндашув асосида қайта кўриб чиқишимиз зарур. Боз устига, олдимизда парламент кўйи палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайловлардек муҳим сиёсий жараён турибди. Шу йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларга қараб бутун дунё Ўзбекистонга баҳо беради. Кейинги беш йилликдаги тараққиётимиз ҳам кўп жиҳатдан ушбу сиёсий жараённинг қанчалик адолатли ўтишига боғлиқ десак адашмаймиз.

Ижро ҳоқимиятининг турли бўғинларидаги эскирган иш услублари оёғимизга тўғаноқ бўлаётгани кундан-кунга ойдинлашиб бормоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, янги Ўзбекистон қуриш йўлида бошлаган ишларимизнинг самарадорлигини таъминлашда кадрларнинг билим савияси ва фидойилиги ҳал этувчи омилдир. Ёшларимиз чин маънода ватанпарвар бўлиб, халқимизга елкадошлик саодатини теран тушунган ҳолда, миллий юксалишга хизмат қилувчи кенг кўламли ислохотларга дахлдорлик ҳиссини туйиши, буни фаол фуқаролик позицияси ва амалий ҳаракатлари билан кўрсата олиши муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода O'zLiDeP жаҳон даражасида фикрлайдиган, юқори интеллектуал салоҳиятга эга навқирон авлодни камол топтиришга ҳисса қўшиб келаётган лойиҳалари қамровини янада кенгайтиришни мақсад қилиб олади.

Давлатимиз раҳбари энди қишлоқ ҳўжалигида манфаат ишлайди, рағбат ишлайди, дея алоҳида уқтирган беҳиз эмас. Мазкур таъкид замирида аграр тизимда йиллар мобайнида йиғилиб қолган асосий муаммолар сабаби ифода этилдики, кейинги уч йилда фермерлар манфаатдорлиги ва даромадларини кўпайтиришга қаратилган иқтисодий механизмлар жорий этилгани, пахта ва ғалланинг давлат хариди нархи сезиларли оширилгани қишлоқ мулкдорлари қаддини чинакамига кўтарди. Йиғилишда бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, куз ойларида қўшимча сабзавотлар

екиш, туманларнинг табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб, ҳосилдорликни ошириш, ғаллачилик кластерлари, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик комплекслари ташкил этиш, сувни тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Биринчи ярим йилликда қарийб 86 триллион сўм, яъни ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,8 баробар кўп инвестициялар ўзлаштирилгани, мамлакатимиз тарихида биринчи марта инвестициянинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38 фоиздан ошгани барчамизни қувонтиради. Юртимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти шундаки, маҳаллий хомашў ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш субъектларини ташкил этишга қаратилган лойиҳаларга устувор аҳамият берилмоқда. Фаол инвестиция сиёсати юритилиб, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий сармоялар йўналтирилаётгани натижаида кўллаб лойиҳалар рўёбга чиқмоқда. Бу эса аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Албатта, бугун эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамликка бериладиган одам юқизади. Мақсадиимиз Ўзбекистонни дунёнинг ривожланган эллик давлати қаторига қўйиш экан, ушбу кўрсаткичларни янада ошириш, юртимизнинг инвестицион жозибадорлигини тобора кучайтириш ишларидан ҳеч қачон четда турмаслигимиз лозим. Айниқса, асосий электроти тадбиркорлар, фермерлар ҳамда йирик бизнес вакиллари бўлган O'zLiDeP ушбу жараёнларнинг ичида бўлмоғи шарт. Партияимизнинг янгиланган дастури ва Сайловлар платформуида бу масала диққат марказида тутилди. Хусусан, мамлакат иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб қилиш, замонавий экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини



Актам ХАЙТОВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши
Ижроия кўмитаси раиси

ошириш, миллий рақобатбардош маҳсулотларни ташқи бозорларга чиқариш тизимини такомиллаштириш, маҳаллий корхоналар билан чет эллик ишбилармонлар ўртасида узоқ мuddатли ҳамкорлик муносабатларини шакллантиришга кучли эътибор қаратамиз. Экспортни рағбатлантириш, қўлай молиявий-иқтисодий ва божхона шароитларини яратиш, янги транспорт йўлакларини шакллантириш орқали географик маконни кенгайтиришга қаратилган вазифалар ҳам белгиланган. Биз хорижий сармояларнинг барқарор жалб қилинишини таъминловчи фаол инвестициявий сиёсатни юритиш, истиқболли инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларининг самарадорлиги ва шаффофлигини оширишни кўзда тутовчи лойиҳавий бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш тарафдоримиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, барча давлат идоралари ва корхоналарида тизимли ишлаш, қатъий тартиб-интизомга риоя этиш, қабул қилинган қарорларни сўзсиз бажариш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва амалий ёрдам бериш ислохотларимизнинг натижадорлигини таъминлашда асосий омил бўлиши зарур ва шарт.

Мавзу давоми 4-5-саҳифаларда

Жиддий мулоқот

Тадбиркорни қачонгача турткилаймиз?

Қаршида бўлиб ўтган йиғилишда вилоятдаги хусусий сектор вакиллари дуч келаётган муаммолар очиқ-ошқора муҳокама қилинди

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё вилоят филиали мажлислар залида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ҳамда ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожланишнинг муаммолари масалаларини ҳал этишда матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлари, банк, солиқ, давлат хизматлари агентлиги ходимлари, партия фаоллари ва ёш тадбиркорлар иштирок этдилар.

Давра суҳбатини O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Шухрат Турсунов олиб борди.

– Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вилоятимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли бандлиги ҳамда фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади, – деди у. – Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўллаб ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, рўйхатдан ўтказиш ва турли рухсатномалар олиш соддалаштирилди. Давлат хизматлари агентлиги, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес омбудсман) иш бошлади. Тадбиркорлар мурожаатларини қабул қиладиган Бош вазир қабулхоналари ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ташкил этилди. Юрбошимиз ҳоқимларнинг биринчи ўринбосарлари ўз фаолиятида бурилиш ясаб, асосий вақтини тадбиркорликни ривожлантиришга сарфлаши кераклигини қайта-қайта таъкидламоқда. Улар фаолиятига янги ташкил этилган корхонанинг қанча вақт ишлашига қараб баҳо бериш мезонини шакллантирилди. Эндиликда ҳар бир туманининг салоҳияти ўрганилиб, ички имкониятлари ҳисобга олиниб, кичик бизнесни ривожлантириш йўналишлари ишлаб чиқилди ва унга асосан кредит, ер ва бино ажратиш, инфраструктурага улаш масалаларида кўмаклашди. Мутасаддиларга ер ажратиш масаласини идоралар билан келишиш, бинони рўйхатдан ўтказиш жараёнини соддалаштириш, кредит ажратиш масаласини 3-босқичдан 2-босқичга ўтказиш, илҳам банк хизматлари марказларини кўпайтириш борасида амалий ишлар бошлаб юборилди.

Яқинда Яккабоғ туманида бўлиб ўтган кўнглисиз воқеа вилоятимизда кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида ҳали кўп иш қилиниши кераклигини кўрсатиб берди. Айни пайтда туманда ободонлаштириш ишлари амалга ошириляпти. Йўлларни таъмирлаш бошлаб юборилди. Қисқа фурсатда 72 та тадбиркорга ер ажратилди. Уларга кредитлар берилди. Демак, ҳаммаси ўз кўлимизда экан. Ўрганишлар чоғида шу нарса аён бўлдики, тумандаги раҳбарлар тадбиркордан “ҳалинг не?” деб сўрамаган. Мисқоллаб йиққан маблағи эвазига қўрган иншоотлари бузиб ташланиб, пулини тўлаш ҳақида ҳеч ким ўйлаб кўрмаган. Муаммолар йиғилиб қолган. Тумандаги оммавий ахборот воситалари билан ишлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Улар “улуғвор ишлар”ни ёритишдан нарига ўтишмаган. Чунончи, Чойдори қишлоғидаги Толлибулоқ маҳалласида сайлов шаффоф ўтмаганилиги, сайловда амалдаги раис Тўра Ўрозов 84 та овоз олиб, ғолиб бўлганилиги, аммо у Толлибулоққа қўшни бўлган маҳаллада яшаса-да, номзодини қўйганлиги ҳақида “daryo.uz” сайтида танқидий мақола берилганлиги. Бу каби қонунбузилишлар ҳақида ижтимоий тармоқларда танқидий материаллар берилган бўлса-да, уларга на ҳоқим, на ҳоқимликнинг ахборот хизмати муносабат билдирган. Қалтис вазиятни юмшатиш, одамлар орасида бўлиб, дардларини тинглаш, муаммоларини бартараф этиш ҳақида ҳеч ким қайғурмаган.

– Президентимиз вилоятимизга келганларида Қашқадарё раҳбарлари ва халқи мудраб ётибди, деб айтган эдилар, – деди Олий Мажлис Сенати аъзоси Исламиддин Аббасов. – Мен бунга қўшимча қилиб, депутатлар ҳам мудраб ётибди деган бўлардим. Ахир, Яккабоғда ҳам халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашларига сайланган депутатлар фаолият олиб бормоқда-ку! Аммо уларнинг бор-йўқликларини сезмайсан ҳам. Халқ уларни нега сайлаган? Депутат мандати эга бў-



либ, зиммасидаги масъулиятни унутиб қўйган бу лоқайд кимсалар сабабчи эмасми туманда бўлиб ўтган воқеаларга? Мен Шаҳрисабз, Чирчиқ, Яккабоғ туман кенгашларида фаолият олиб бораётган депутатлар фаолиятини ўрганишимда, улар сайловчилар билан учрашмаётганликлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни тарғиб қилмаётганликларига амин бўлдим. Туман Кенгашига ҳисобот топширишни унутиб қўйган депутатнинг кимга кераги бор? Ҳатто баъзилари сайланган округининг номини ҳам билмайди.

– Тадбиркорликни йўлга қўйиш учун 8 фоизлик чорва кредити ололмай сарсон бўлиб юрибман, – дейди ёш тадбиркор Шохруҳ Серкаев. – Банк кредитига воситачи орқали чорва моллари олишни тақдир этишади. Шу боис моллар нархи қимматлашиб кетади. Ҳозир истаган одам уй хайвонларини келтиряпти. Аммо уларнинг ишидан одамлар барақа топаётгани йўқ. Бир неча тадбиркор банк кредитига товуқ олишганди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай паррандаларнинг яри қирилиб кетди. Тадбиркорлик қилиб, фаровон яшайман деган кишилар кредитга қўйиб, қашшоққа айлиниб қоляпти-ку. Биз депутатларимиз ким эканлигини ҳам билмаймиз. Депутат халқ ҳимоячиси бўлиши керак. Раҳбарларга ялтоқланиб, ўз манфаатини ўйлаб юрадиган депутатдан кимга наф?

– Банкдан кредит олиб, 1 сотих иссиқхона қурдирсангиз, 6,5 миллион сўмга тушади, ме-

талл харид қилиб, иссиқхонани ўзингиз курсангиз, 2,5 млн сўмга айланади, – дейди O'zLiDeP Касби туман Кенгаши раиси, тадбиркор Нарсулло Худойбердиев. – Банклар тадбиркорларга мададкор деган гапни кўп айтади. Шуми мададкорлиги? Туманимиздаги фермерлар ипак курти боқибдан бош тортмоқдалар. Нега дейсизми? Ипак курти парвариси бошланган кундан ички ишлар, прокуратура, ҳоқимликдагилар бошингизга келиб туриб олади. Пилларни териб топшираётганда ҳам сизга тезроқ бўл деб буйруқ қилиб туришади. Аммо пулини олишга келганда ҳеч ким сизни эшитмайди. Қўлаб одамлар пилларнинг пулини оломай ҳалиям сарсон бўлиб юрибди. Кимдир топширган ғалласи, кимдир пахтаси пулини ҳозиргача ологани йўқ. Тадбиркорлар ҳисобларидаги маблағларига эгаллик қила олмайдилар. Уларга ана шундай ҳуқуқ берилмас экан, фермерлик бир жойда депсиниб туриверади.

– Ҳўжалигимизда 125 бош қўй, 500 бош товуқ, 450 бош қўён, 30 бош чорва моли бор, – дейди Қарши туманидаги “Раҳматов Самар Давлатович” фермер ҳўжалиги бошлиғи Маҳкамтош Дониёва. – Озуқа етиштириш учун туман ҳоқимлигидан ер сўраганимизга бир неча йил бўлди. Афсуски, бизга ер беришмаяпти. Бошқаларга бериляпти, аммо бизга келганда ер йўқ деб туриб олишаяпти. Партия депутатлари менга ана шу масалада яқиндан ёрдам бера олармикан?

– Халқ депутатлари туман Кенгашида 11 нафар депутатимиз фаолият олиб бормоқда, – дейди партия Яккабоғ туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Маҳмадали Қулбулов. – Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман Кенгаши сессиясига 5 та масала киритдиқ ва учтаси юзасидан сессия қарори қабул қилинди. 10 нафар мансабдор шахсининг ҳисоботлари эшитилди. Сайловчиларни қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этиш мақсадида мутасадди корхона ва ташкилотларга ўттиздан ортиқ сўровномалар юбордик. Уларнинг аксарияти тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш юзасидан эди. Аммо мутасаддилар депутатларнинг барча сўровларига ўз вақтида жавоб беришни истамайдилар. Юборган сўровномангиз жавобсиз қолганидан сўнг, ҳафсалангиз пир бўлади-да. Бизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш талабга жавоб бермайди. Уларнинг ҳар бир чиқишига муносабат билдирилмайди.

Бугунги куннинг асосий шартини – олдимизга қўйилаётган вазифаларни самарали амалга оширишда масъулиятни ўз зиммамизга олиш, ғайрат-шижоатли ва фаол бўлишдан иборатдир. Электратимизни қийнаб келаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этмас эканмиз, одамларнинг партияимиз келажағи, унинг ғоявий мақсадларига бўлган ишончи ҳеч қачон мустаҳкамланмайди. Сайловлар йилида фаолиятимизни танқидий-таҳлилий кўриб чиққан ҳолда ғоявий-сиёсий, ташкилий-партиявий ишларни янада жонлантириш борасида тинимсиз изланишимиз талаб этилмоқда.

Давра суҳбати сўнгида тадбиркорларнинг бино-иншоотларини бузиш ва компенсация тўлаш масалаларига оқилона, қонуний ёндашиш, аҳоли пунктларини истиқболда ривожлантириш режаларини ҳисобга олмасдан катта ҳудудларда жойлашган иншоотларни бузмаслик, чорва кредитларини воситачисиз тадбиркорларга бериш, депутатлик гуруҳларининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишларини кўпайтириш, асосли зарурат бўлмаса, тадбиркорларга тегишли биноларни бузишга йўл қўймайлик, мол-мулкни бузиш ва компенсация тўлаш тартибларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

Соғлом рақобат бўлса...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2019 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган кенгайтирилган йиғилишни нафақат вилоят кенгаши депутаты, балки мулкдорлар қатлами манфаатларини ифодаловчи партиянинг ҳудудий ташкилоти раҳбари сифатида диққат билан кузатдим.

Энг аввало, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, ёқилги-энергетика, қайта ишлаш саноати ва агросаноат тармоқларини модернизация қилиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш баробарида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар натижалари чуқур таҳлил қилингани диққат маркази бўлди.

Ўртбошимизнинг барча бўғинлардаги раҳбарлар, мансабдор шахслар қандай ишлаши кераклиги, депутатлар ўз ваколатлари доирасида нималарга кўпроқ эътибор бериши зарурлиги тўғрисида билдирган фикрлари партияимиз электоратини руҳлантириш билан бирга, барчамизни ҳар бир соҳада янада фаол ва ташаббускор бўлишга ундагани шубҳасиз. Астойдил меҳнат қилиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш орқали мавжуд камчилик ва хатоларга барҳам берилиши ҳам айни ҳақиқатдир.

Тан олиш керакки, маҳаллий вакиллик ҳамда ижро органларининг айрим мансабдор шахсларида ҳамон ташаббускорлик етишмапти. Бошқарувнинг қотиб қолган усулларига таяниш ҳисобига самарасиз тадбирлар ўтказилиб, чуқур ўйланмаган қарорлар қабул қилиш ҳолатлари кўзга ташланаётгани ҳам инкор этиб бўлмайди. Ваҳоланки, турли тизимлар

раҳбарлари ўзига нисбатан қанчалик талабчан бўлса, масъулиятни зиммасига ола билса, ҳодимларда ҳам шундай хислатлар шаклланади. Бундай муҳитда эса табиий равишда юксалиш кузатилади.

Йиғилиш якунига етган, ўзимга ўзим савол бердим: мен раҳбарлик қилаётган ташкилот ҳисобот даврида қандай ютуқларга эришди? Фаолиятимиздаги нуқсонлар нималардан иборат бўлди?

ЎзЛиДеР Андижон вилоят Кенгаши томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида талай ишлар амалга оширилгани, хусусан, турли йўналишларга оид 68 та ҳужжат қабул қилингани ва ижроси таъминланганини кўришимиз мумкин. Жумладан, давлатимиз раҳбари томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янгича йўлга қўйиш бўйича илгари сурилган 5 муҳим ташаббуснинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга бағишланган тадбирларни олинг. Бу жараёнда маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларимиздан тортиб, бошланғич партия ташкилотлари етакчиларигача фаол иштирок этишяпти.

Фидойи сафдошларимиздан иборат ишчи гуруҳлар шу йилнинг ўтган даврида 358 та маҳалла фуқаролар йиғини ўрамадаги 13 798 та хонадонга кириб боришди. Аҳоли билан бевосита мулоқот чоғида 2 756 та муаммо



аниқланди. Энг муҳими, аксарияти партиявий воситалар, депутатлик сўровлари орқали ижобий ҳал этилди. Тарғибот тадбирлари натижасида 60 нафар МФЙ раиси, маҳалла қотибларининг 70 нафари, хотин-қизлар бўйича мутахассисларнинг 23 нафари ЎзЛиДеР сафига қабул қилинди.

Тадбиркорликни бошлаш истагида бўлган, аммо кредит олишда қийналаётганларнинг муносабатлари жойида қўйиб қўйилгани одамларнинг партияимизга ишончини тобора мустаҳкамламоқда. Масалан, Марҳамат туманида ўтказилган сайёр қабул давомида фуқаролардан келиб тушган 50 дан зиёд муносабат атрафлича ўрганилгани сўзимиз исботидир.

Неварамни узоқ вақтдан буён астма касали бевозта қилади, — деди Марҳамат тумани Шомат маҳалласида яшовчи Зулфияxon Абдуллаева. — Шу боис депутатлардан Жисзах вилояти Зомин туманидаги дам олиш маскани учун йўлланма олишда амалий ёрдам сўрадим. Бу масала ижобий ҳал бўлганидан жуда хурсандман.

Кези келганда, “Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш — тарақиёт гарови” мавзусида водий ёшлари форуми Андижонда юқори савияда ўтказилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Анжуманда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси навқирон юртдошларимизнинг эзгу интилишлари ва ташаббусларини, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўйбга чиқаришга салмоқли ҳисса қўшаётгани эътироф этилди. Бу борада олиб борилаётган ишлар йиғит-қизларнинг тадбиркорликка оид билим ва кўникмаларини шакллантириш, бизнес-режаларини амалга ошириш, касб-хунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлашга кўмаклашишдек дастурий мақсадларимизга ҳамроҳандир. Ушбу лойиҳа доирасида иштирокчилар Бўз туманидаги “Sabo Teks”, “Rash milk” ҳамда Шаҳрихон туманидаги “Пойабзаллар уйи” корхоналарининг фаолияти билан ақиддан танишиллар. Учрашувларда тажрибали тадбиркорлар ўз бизнесини бошлаш ҳаракатида юрган ёшларга керакли тавсиялар беришди.

Гувоҳи бўлаётганимиздек, мақтаса арзишлик ишларимиз оз эмас. Лекин бугунги шиддатли давр амалга оширилганидан кўра ҳали бажарилмаган ишларни чуқур таҳлил қилишни, масъулиятни янада кучайтиришни, партиялараро соғлом рақобатга киришишни талаб эътибор. Эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб юриш замони аллақачон ўтиб кетди. Вакиллик органларига навбатдаги сайловлар эшик қоқиб турган бир пайдада ўз фаолиятини қониқли ҳосил қилиб, изланишдан тўхтаган сиёсий куч муваффақият қозона олмаслиги тайин.

Ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилишда кейинги уч йилда аграр соҳа ва озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича қўллаб қарор ва дастурлар қабул қилинганига эътибор қаратилганидан келиб чиқиб, партияимиз фермерлар манфаатдорлиги ва даромадларини оширишга қаратилган иқтисодий механизмларни такомиллаштириш юзасидан аниқ тақлифларни илгари сурадиган фурсат етди деб ҳисоблайман. Бу борада сўз юритганда, ЎзЛиДеР электоратининг салмоқли қисми қишлоқ мулкдорларидан иборатлиги, истеъмол маҳсулотларининг 70 фоизи иқтисодиётнинг ушбу тармоғида яратилаётгани, 180 дан зиёд турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 80 та мамлакатга экспорт қилинаётгани, иқтисодий фаол аҳолининг 27 фоизи айнан мазкур тизимда бандлиги, таъбир жоиз бўлса, биз учун қулай имкониятдир. Бинобарин, галлчилик кластерлари, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик комплекслари ташкил этиш, сувни тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш бўйича белгиланган аниқ чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш нафақат ижро органлари, балки бизнинг партияимизнинг ҳам устувор вазифалари сирасига киришини асло унутмаслик керак.

Тоҳиржон ТОЛИПОВ,
ЎзЛиДеР Андижон вилоят Кенгаши раиси,
Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати

ЎзЛиДеР Андижон вилоят Кенгаши томонидан “Истиқболли тадбиркор” лойиҳаси бўйича фермер хўжалиқлари раҳбарлари ва тадбиркорлар билан учрашувлар уюштирилди. Мазкур мулоқотлар мулкдорларнинг инновацион бизнес-режалари амалга оширилаётган ҳудудларда ўтказилгани эътиборга моликдир.



Япониянинг “Murata”си — Бўзда

Бўз туманидаги «Сайёра фаввораси» хусусий корхонаси ҳам тадбиркор Ботиржон Қодиров таъсис этган янги бизнес субъекти саналади. Бу ерда пахта толаси қайта ишланиб, ип-калага тайёрланади. Дастгоҳлар дунёнинг энг ривожланган давлатларидан келтирилган. Жумладан, Швейцариянинг “Rieter” ва “Uster”, Япониянинг “Murata” компанияларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳозир корхонада 300 нафар кишининг бандлиги таъминланган. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хорижда ҳам ўз харидорларига эга. Ишчи-хизматчиларга дам олиш хоналари, спорт заллари, кутубхона ташкил этилган. Уч маҳал иссиқ овқат витаминларга бойлиги билан манзур бўлмоқда.

Хонобод шаҳрида жойлашган “Dolomit” кўша корхонаси 2016 йилдан фаолият юрита бошлаган. Ёш тадбиркор Омадхон Жонпўлатов ташкил қилган корхонада травертин, гранит, мрамор тошларига ишлов берилади. 20 нафар ёш доимий иш билан таъминланган. Корхонани ривожлантириш учун 1 миллион долларлик инвестиция киритилган. Ишлаб чиқаришда қўлла-

нилаётган технологиялар Хитой, Италия, Эрондан келтирилган.

Жалақудуқ туманида тадбиркор Одинахон Қажорова 2011 йили ташкил қилган “Al-Diyor” хусусий корхонаси 4 киши билан иш бошлаган эди. Банкнинг 90 миллион сўмлик кредити эвазига фаолият кенгайтирилган, ишлаб чиқариш янада жадаллашди. Бугун бу ерда 100 киши меҳнат қилади. 50 донга замонавий тикув машинаси билан жиҳозланган корхонада тикилган турли фасондаги аёллар ва эркаклар кийимлари Россияга экспорт қилинмоқда.

— Юртимизда тадбиркорларга яратилаётган имкониятларда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, — дейди корхона раҳбари.

Балиқчи туманида истиқомат қилувчи хусусий тадбиркор Бегзодбек Одилов 2013 йилдан буён “Хўжаобод” масъулияти чекланган жамияти ижрочи директори лавозимида фаолият юритиб келади. У ЎзЛиДеРга Андижонда биринчилар қатори аъзо бўлган. Ҳозирда “Хўжаобод” спорт буюмлари ишлаб чиқариш корхонаси БПТ раиси ҳисобланади. 2018 йил

давомида корхона томонидан давлат буюртмаларини бажариш натижасида 3 миллиард 670 миллион сўмлик спорт маҳсулотлари тайёрланган. Покистоннинг “Forward Group” компанияси билан футбол, гандбол ва волейбол тўпларини янги усулда ишлаб чиқариш учун замонавий ускуналар олиб келиш бўйича музокара олиб боришмоқда. Мазкур лойиҳа жорий йилнинг тўртинчи чорагида амалга оширилиб, яна 10 кишининг бандлиги таъминланади.

ЎзЛиДеР вилоят Кенгаши мутасаддилари ва маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари шунга ўхшаш яна ўнлаб бизнес субъектларида бўлиб, электротар вакилларининг эртанги режалари билан танишиллар. Истиқболли лойиҳаларни ҳамкорликда амалга оширишнинг самаралари хусусида мулоқот қилдилар. Ҳали-ҳамон баъзи жойларда тадбиркорлик йўлида учраб турган сунъий тўсиқ ва говларни партиявий воситалар орқали бартараф этишга келишиб олдилар.

Мафтуна ЖАЛОЛДИНОВА,
ЎзЛиДеР Андижон вилоят
Кенгаши маъбуот котиби

Шаҳрихонда шахдам одимлар

Шаҳрихон туманида мустақилликнинг йигирма саккиз йиллиги байрамига тайёргарлик ҳозир авж паллада десак муболаға бўлмайди. Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси, барча ташкилотлар, муассасалар жамоаларининг қўллаб-қувватлаши билан маҳаллалар кесимида ободонлаштириш, бунёдкорлик, қурилиш-монтаж, реконструкция, йўлларни таъмирлаш, соғлиқни сақлаш, маданий-маиший объектлар барпо этишга замонавий талаблар асосида киришилди.

Андижонда юртга бўлган муҳаббатни амалда кўрсатиш аънаёна айланган. Шаҳрихон вилоятдаги аҳоли энг зич жойлашган ҳудудлардан бири. Элга танилган ҳунармандлар, олиму тадбиркорлар камол толган диёр. Шундай заминни янада юксалтириш, янги чирой бахш этиш барчани фидойилик билан ҳаракатта чоғлантирди.

Дастлаб режа билан танишамиз. Бажариладиган ишлар аниқ, Туманда 147 километр ички йўл асфальтланади. Бундан бир неча баробар кўпроқ ерга шағал ётқизилади. 283 километр сув тармоғи, 36 та қудуқ янгиланади, 49 таси реконструкция қилинади. Юздан зиёд трансформатор созланади, 10 мингта бетон устун ўрнатилади, 41 километр электр тармоғи тортилади. 4 та мактаб, 5 та мактабгача таълим муассасаси замонавий қиёфа касб этади. Жорий йилда талаблар даражасида таъмирланиб, фойдаланишга топширилган турғун комплекс сингари яна бири янгиланади. 4 та қишлоқ врачлик пункти чирой очади. Аҳолига 9 мингта газ баллон ижарага берилади. 21 та қабристоннинг кўрғон девори тикланади. Шунингдек, маданий маиший объектлар кўпайиши, янги иш ўринлари очилиши кўзда тутилган. Қисқача айтганда, жами 250 миллиард сўмликдан зиёд ишлар амалга оширилади!

Булар ҳазилакам ишлар эмас, албатта. Ҳаммаси биз

учун, одамларнинг давлатдан рози бўлиши учун қилинаётганини ҳар бир фуқаронинг тушуниши ишни янада жадаллаштиришга хизмат қилади.

Бундай эътибор, албатта, кимни қувонтирмайди, дейсиз?! Унга амалий жавоб бериш ниятида жуда кўпчилик аллақачон энг шимарган. Туманда Бирлашган маҳалла фуқаролар йиғинидаги ибратли ишлар фикримизга далил.

— Ички йўллар ёзда чанг, қишда лой бўлар, қирқ йил аввал ўтказилган сув тармоғи эскирганди, — дейди МФЙ раиси Нодиржон Сулаймонов. — 6 километр ички йўлга шағал тўқилди, 2 километрга асфальт босилди. 3,6 километр ичимлик суви тармоғи тортиляпти. 33-мактаб кўрғон девори битмоқда. Бетон устунлар қўйилляпти. Кенг қўламдаги ишлардан маҳалладошларим хурсанд.

Тумор маҳалла фуқаролар йиғинидаги 420 ўринли мактаб қишлоқ кўркини оширди. Ёшларнинг янги ўқув йилида ёруғ, шинам синф хоналарида пухта билим олишларига қулайлик бўлди. Замонавий билим масканини “Тошсарфар” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари битказишди.

Карнайчи қишлоғи аҳолиси ҳам ташаббусдан хурсанд. Ахир орзулари ушалапти — замонавий лойиҳага мувофиқ мактаб қурилиши авжида.

Барча ишлар меъморий режа асосида бажарилаётди. Тумандаги 76 та маҳаллада 351 мингдан зиёд фуқаро истиқомат қилади. Уларга фаровон турмуш, обод ҳаёт тақдим этиш ҳаракатлари давом этмоқда. Шунингдек, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга зарур моддий ёрдам кўрсатиш, қўшимча равишда даволаш профилактика ишларини ташкил этиш, таълим муассасаларининг янги ўқув йилига пухта ҳозирлик қилиши таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Зилола РАҲМОНОВА,
“XXI asr” мухбири

Савдо расталари ота-оналар хизматида

Янги ўқув йилининг бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Ота-оналар фарзандлари учун ўқув қуролларини арзон ҳамда сифатлисини сотиб олиш ҳаракатида. Андижон вилоят халқ таълими бошқармасидан олинган маълумотга кўра, 10 августдан 10 сентябрга қадар 67 та умумтаълим мактабда мактаб бозори фаолияти йўлга қўйилиши белгиланган.

Ишлар қандай ташкил этилаётганига қизиқдик. Избоскан тумани Дарёбўйи маҳалласидаги 39-умумтаълим мактаб-интернатда бу масала ижроси кўрилгангадек. Савдо растасида белгиланган 23 турдаги ўқув қуролли мавжуд бўлиб, ҳудуддаги 4 та мактабга хизмат кўрсатмоқда. Ботиробод маҳалласидаги 7-умумтаълим мактабда ҳам ярмарка фаолиятини

бошлаб, атрофдаги 8 та билим маскани ўқувчилари ота-оналарига хизмат кўрсатмоқда.

Олтинкўл туманидаги 1-умумтаълим мактабда ҳам ўқув қуроллари савдоси янги йўлга қўйилган. 11-умумтаълим мактабда ташкил этилиши режалаштирилган ярмарка ҳудуддаги 8 та мактабга хизмат кўрсатиши керак бўлса-да, айримларнинг

лоқайдлиги билан бу борада ишлар ҳалигача якунига етмаган.

Андижон шаҳри ва туманидаги мутасаддилар эса бу масалага эътиборсизлик билан қараётгани таажубланарли. Тумандаги 18- ва 47-умумтаълим мактабларида 14 августдан ўқув қуроллари растаси ишга тушиши белгиланди. Шаҳардаги 27-, 50-умумтаълим мактаблари

мутасаддилари ҳатто бу вазифадан беҳабарлигини рўқча қилиб, билганларида масалага жиддий ёндашишларини айтишди. Аслида, бунга мактаб директорлари айбдорми ёки уларни хабардор этмаган бошқа раҳбарларми? Бу саволга масъуллардан теглиши жавобни ва масала тезда ижобий ҳал этилишини кутамиз.

Ўз мухбиримиз



Саховат ва ҳиммат қадри

Тошкент вилоятида O'zLiDePнинг устувор мақсадларига ҳамоҳанг тарзда ўтказилаётган партиявий тадбирларнинг аҳамияти хусусида

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар ойнинг сўнгги ҳафтасини ўз сайлов округларида ўтказиши кўпчиликка яхши маълум. Айниқса, энг улуг ва энг азиз байрамимиз арафасида сайловчилар билан учрашувлар янада кенг қамров касб этади. Қуни кеча пойтахт вилояти маркази Нурафшон шаҳрида ана шундай мулоқотлардан навбатдагиси бўлиб ўтди.



Парламент кўйи палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Виктор Пакни 84-Тўйтепа сайлов округи сайловчилари яқин қадрдонидек қарши олгани, депутатнинг давлат тилида сўзбатарга киришгани, катта залга йиғилганларнинг ақсариятини таниши, уларга исмини айтиб мурожаат қилиши журналистларнинг диққатини тортиди.

Учрашув аввалида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2019 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар муҳокамаси ҳамда йил якуни бўйича белгиланган прогноз параметрларига эришишни таъминлайдиган устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган кенгайтирилган йиғилиш тафсилотлари хусусида маълумот берилди.

– Юртбошимизнинг бевосита топширигига кўра, бундан буён Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, вазирлар, кўмиталар ва ҳўжалик бирлашмалари раислари ўз иш услубларини тубдан ўзгартириб, кўпроқ ҳудудларга, олис қишлоқларга бориб, пастдаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда ҳокимликлар, тадбиркорлар ва жойлардаги раҳбарларга амалий ёрдам беришади, – деди Виктор Пак. – Худди шундай, вилоят ҳокимлари ҳам ўринбосарлари ва бошқарма бошлиқлари билан бирга ҳар чорақда туманларга бориб, муаммоларни ҳал қилиб, туман халқ депутатлари кенгаши ва фаоллар олдига ҳисобот беради.

Йиғилишда ижтимоий соҳаларни янада ривожлантириш, хизматлар қамрови ва сифатини ошириш бўйича қўшимча вазифалар белгилаб берилди. Барча давлат идоралари

ва корхоналарида тизимли ишлаш, қатъий тартиб-интизом, қабул қилинган қарорларни сўзсиз бажариш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва амалий ёрдам бериш ислохотларимизнинг натижадорлигини таъминлашда асосий омил бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Расмиятчиликдан холи тарзда кечган савол-жавоблар давомида сайловчилар таълим тизимидаги янгиликлар билан қизиқди. Депутат ўтган даврда 14 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, 6 та маҳаллий ва 8 та хорижий олий таълим муассасаси филиали фаолияти йўлга қўйилиб, 40 та янги таълим йўналиши ҳамда 41 та янги мутахассислик ташкил этилгани ҳақида маълумот берди. Учрашувда кўпроқ аёллар қатнашаётганини инобатга олган O'zLiDeP фракцияси аъзоси хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 100 миллиард сўм ажратилгани, шу йилнинг 6 ойи давомида ушбу маблагнинг 41 фоизи ўзлаштирилиши туфайли 2 минг 240 та иш ўрни яратилганини таъкидлади.

Учрашувнинг иккинчи қисмида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Виктор Пак ўз округидаги кам таъминланган ва ижтимоий

ҳимояга муҳтож оилаларга O'zLiDeP номидан совға-саломлар улашди. Айниқса, Жанубий Кореянинг "New Hope" ("Янги умид") компанияси билан йўлга қўйилган яқин ҳамкорлик туфайли хориждан келтирилган энг замонавий ногиронлик аравачалари ва ҳар томонлама қўлай қўлтиқтаёқлар йиғилганларнинг дилини равшан қилди.

– Виктор Пакнинг округдаги ҳар бир учрашуви мана шундай самимий муносабатларга қурилади, – дейди O'zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши депутатлик гуруҳлари билан ишлаш бўлими мудири Абдорбек Ҳўзов. – Унинг "Қўлимдан нима келса, мана шу округдагиларга яхши бўлиши учун қилишдан чарчамайман" деган гапи ҳар бир сайловчига ёд бўлиб кетган. Мана, бугун ҳам учрашувга умумий қиймати 40 минг доллардан ошадиган 125 та турли тиббиёт жиҳозлари ва буюмлари туман келди. Уларнинг бир қисмини Ўрта Чирчиқ туман тиббиёт бирлашмасига бегараз ёрдам сифатида топширди.

Дарҳақиқат, аҳолига сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатишда қўл келадиган, беморлар ва уларнинг яқинлари оғирини енгил қиладиган ускуналарни маҳаллий шифокор-

лар мамнуният билан қабул қилиб олар экан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатларга миннатдорлик билдиришди. Эҳтиёмандларга кўмаклашишда саховат ва ҳимматнинг қадри нақадар баланд эканини таъкидлашди.

– Эътибор берган бўлсангиз, биргина мана шу учрашувдан қанча одам хурсанд бўлиб уйига қайтди, – дейди O'zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Тўлқин Файзиев. – Мустақиллик байрами муносабати билан бундай тадбирлар вилоятимизнинг ҳар бир туманида, ҳар бир қишлоғида, барча бошланғич партия ташкилотларида тизимли равишда ўтказилмоқда. Мазкур мулоқотларда бугун амалга оширилаётган туб ислохотлар ва қисқа муддатда эришилаётган ютуқлар янгиланаётган Ўзбекистоннинг миллий гоёси самаралари экани хусусида сўз юритилди. Ёшлар ўртасида ташкил этилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирларида ҳам бу жараённинг долзарб аҳамияти жонли мисолларда ифодалаб берилмоқда.

Масалан, халқ депутатлари Қибрай туман Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъ-

золари билан биргаликда партиянинг "Соғлом оила – мустақам оила" лойиҳаси доирасида ўтказилган мулоқот ва "Mubogak" хусусий клиникасининг очилиш маросимида ҳам шундай муҳит ҳукмрон бўлди. Илғор технологиялар асосида фаолият кўрсатадиган клиникада дунёнинг етакчи компанияларида ишлаб чиқарилган сўнгги русумдаги тиббий техникалар мавжуд. Шифокорлар улар ёрдамида аҳоли орасида кенг тарқалган касалликларнинг олдини олиш бўйича зарур чораларни кўришади. Шу куннинг ўзида 25 нафар хотин-қиз чуқурлаштирилган кўриқдан ўтказилган эса хусусий тиббиёт тизимининг истиқболидан дарак беради.

Мухтасар қилиб айтганда, O'zLiDeP давлатнинг ижтимоий соҳага оид сиёсатидаги стратегик устувор йўналишни инсонга бўлган эътибор ташкил этиши лозим деб ҳисоблайди. Бинобарин, партиявий лойиҳаларни ана шу тамойил асосида ташкил этади. Нурафшон шаҳрида ўтказил тадбир эса изчил жараённинг битта амалий мисоли, холос.

Озод РАЖАБОВ, Шўҳрат РАҲИМОВ (суратлар), "XXI asr" муҳбирлари



Лоқайдликдан қутилиш ва инновацияга интилиш фурсати

Сирдарё вилоятида фаолият кўрсатаётган "Бек кластер" МЧЖ ҚК ишчи-ҳодимлари шу тамойилга амал қилмоқда



Муайян вақт, маълум бир давр ўтгандан кейин бажарилган ишларни сарҳисоб қилиш аввалдан инсонга хос хусусиятлардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу жараён турли замонларда турфа номланган бўлиши мумкин. Лекин мантқиқ ҳам, мақсад ҳам ўзгармаган. Ой, чорақ, йил якуни деганда айни ҳолат кўз олдимизга келади. Шу маънода мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар давлат раҳбари раислигида муҳокама қилинишини ҳам азалий анъаналаримизнинг инъикоси десак муболаға бўлмайди.

этилаётир. Ҳозирда "Бек кластер" МЧЖ ҚК таркибида 20 дан ортиқ корхоналар мавжудлиги фикримиз далили бўлиши мумкин. Уларда нафақат Сирдарё ёки бошқа вилоятларда, балки қўшни давлатларда яшовчи 5000 дан ортиқ киши меҳнат қилади. Ҳодимларимизга муносиб иш ва турмуш шароитларини яратиб бериш якуний натижага олдиндан замин ҳоризлашга йўналтирилган устувор вазифалар сирасига киради.

Агар 2018 йил давомида кластер таркибига кирувчи корхоналар томонидан умумий миқдори 38 минг АҚШ долларига тенг турли маҳсулотлар экспорт қилинган бўлса, 2019 йилнинг 6 ойи давомида бу кўрсаткич қарийб 19 минг долларга етди. Экспорт таркибида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари салмоқли ўринни эгаллади.

Келажакда "Бек кластер" томонидан бир қанча истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, давлат-хусусий шериклиги асосидага Ўсимлик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш технологиялари илмий-амалий маркази бўйича Инновация вазирлигига 3 та грант лойиҳаси тақдим этилди. Марказга илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларини ўзида жамлаган лаборатория ускуналарини олиб келиб ўрнатиш бўйича Греция ва Германия корхоналари

билан шартномалар имзоланди. Мақсади мазкур муассасани нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёда тан олинган илмий-технологик институтга айлантиришдир.

"Ижтимоий иссиқхона" лойиҳаси Ховос туманининг чекка қишлоқлари аҳолиси учун ишлаб чиқилган. Қўёш энергияси ҳисобига иситиладиган 10 сотихли иссиқхоналар қуриш назарда тутилган. Лойиҳа доирасида 1000 та иссиқхона қурилиб, 2000 та иш ўрни яратилади. Иссиқхоналарга асосан қулупнай экилиб, етиштирилган ҳосил экспорт қилинади. Бунинг учун эса Россиянинг йирик савдо тармоқлари билан дастлабки келишувларга эришилди. Айни кунларда 20 та иссиқхона пойдеворини қўйиш ва металл конструкцияларни ўрнатиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

"Мева-сабзавот маҳсулотларини саралаш ва қадоқлаш" лойиҳаси Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг 935 минг доллар ҳамда ўзимизнинг 4 миллиард 500 миллион сўм миқдоридagi маблағларимиз ҳисобига амалга оширилаётир. Шу муносабат билан Италиядан жами қиймати 630 минг еврога тенг 4 та мева-сабзавотларни саралаш ва қадоқлаш линиялари, шунингдек, Хитойдан 200 тонналик маҳсулот сизимига эга музлатгични олиб келиб ўрнатдик. Бу ерда бир кунда 20 тонна-

гача мева-сабзавотни ювиш, саралаш ва экспорт қилиб қадоқлаш мумкин.

Сирдарё вилояти қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш борасида катта имкониятларга эга бўлса-да, республика экспорт рейтингига қўйи ўринлардан бирини эгаллайди. Бунинг асосий сабаби қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиб тайёрлаш, қадоқлаш, қисқа қилиб айтганда, мева-сабзавот экспорти билан замон талаблари даражасида шўғулланувчи корхоналар камлигига бориб тақалади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида қўлланилаётган технологиялар кун сайин янгилашиб, такомиллашиб бораётган ҳозирги кунда олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги ўқув дастурлари асосида сабоқ олган ёшлар корхоналарнинг қадрлар малакасига бўлган талабларини қондира олмапти. Мана шу бўшлиқни тўлдирди, ўрта бўғин мутахассисларини етказиб бериш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда қўшма коллеж ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқардик. Бу ўқув даргоҳида саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва хизмат кўрсатиш корхоналари учун малакали мутахассислар тайёрланади. Лойиҳа доирасидаги ўқув дастурларида ишлаб чиқариш амалиёти учун ажратиладиган соатлар умумий юкларнинг 50 фоизигача бўлиши кўзда тутилмоқда. Амалиёт бевосита кластер корхоналарида ўтилади. Назарий дарслар ўқитиладиган аудиторияларни ахборот коммуникация технологияларининг энг сўнгги воситалари билан жиҳозлаш, таълим жараёнини республикамиз ҳамда хориждан етакчи мутахассисларнинг жалб қилган ҳолда ташкиллаштириш режалаштирилган.

Келгусида юқори самара берувчи яна бир қатор лойиҳаларни амалга оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Зотан, Президентимиз томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорларнинг ижросини таъминлаган ҳолда ватанимизнинг иқтисодий юксалишига, халқимиз турмуш фаровонлигининг ошишига ҳисса қўиши шарафли бурчимиздир. Чунки бугунги кун ҳар биримиздан шиддаткор даврга мос қадам ташлашни тақозо этмоқда.



Мазкур йиғилишда бизга бевосита алоқадор бўлган кластерлар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилгани диққатга сазовор. Дарҳақиқат, кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида глобаллашув, мамлакатлар ўртасида рақобат курашининг кескинлашуви билан боғлиқ сифат ўзгаришлари юз бераётган бир вақтда аграр соҳада кластер тизимининг жорий этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқлари олдига бир қанча муаммолар мавжудки, буларни "ёлғиз" корхоналар еча олиши амалда иложсиз. Шу боис интеграциялашувнинг турли кўринишлари, жумладан, кластерлар рақобатбардошлиқни оширишнинг энг самарали усули эканлиги эътироф

Улугбек СОТИБОЛДИЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши раиси

Истиқболли лойиҳа

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги республика ёш фермерлари кенгашининг худудий бўлими, O'zLiDeP вилоят Кенгашининг Ёшлар билан ишлаш бўлими ҳамда Сиёсий таълим маркази ҳамкорлигида Боёв туманида "Ҳар бир ёшга бир гектар ер" лойиҳаси амалга оширилди.

Еттовлонга етти гектар ер

Туманининг Ш.Рашидов сув истеъмолчилари уюшмаси худудидаги "Бунёд Бек ҳамкор" фермер ҳўжалиги раҳбари Убайдулла Абдуллаев лойиҳани қўллаб-қувватлаб, унда фаол иштирок этди. У биринчилардан бўлиб "Лайлакқўл" маҳалла фуқаролар йиғини худудиде истиқомат қилувчи 7 нафар йиғиннинг ҳар бирига 50 гектар бўшаган майдондан бир гектардан ер ажратиб берди.

– Одил Жўраев, Жавоҳир Кубаев, Аҳмад Бекбоев ва бошқа шериклари дарҳол ишга киришиб, ўзларига ажратилган майдонларга қисқа муддат ичида дуқкакли экинларни экишди, – дейди фермер. – Айни пайтда экинлар бир текисда униб чиққан. Шунингдек, яна бир гуруҳ ёшлар 50 гектар майдондаги гўза қатор ораларини бегона ўтлардан тозалаш, ишлов бериш, суғориш ишларида ҳам бизга яқиндан кўмак бермоқда.

Ёш фермер Убайдулла Абдуллаевнинг мазкур фермер ҳўжалигини ташкил этганига эндигина беш йил бўлди. Дастлаб 35,6 гектар экин майдонида ўз фаолиятини бошлаган қишлоқ мулкдори эътибордан четда қолган майдонларни ўзлаштириб, экин майдонига айлантириши ҳисобига ерлари 116 гектарга етди. 65 гектар ерда галла парваришлаган деҳқонлар бу йил 40 центнердан ҳосил кўтариб, йиллик режани ортиги билан бажаришди. Айни пайтда гўза ниҳолларини оби-тобида суғориш, озиклантириш каби бир қатор агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилмоқда.

Фермернинг таъкидлашича, кейинги йилларда қўшиб олинган ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун ана ишлар қилиниши лозим. Ерларни унумдор, серҳосил майдонларга айлантириш ҳамда худудда боғдорчиликни ташкил қилиш, ҳўжалиқни кўп тармоқли фермер ҳўжалигига айлантиришда еттовлоннинг ҳиссаси катта бўлиши шубҳасиз.

Дилором ЭСОНОВА, O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши матбуот котиби



“Отчопар” отбозор эмас-ку!

Кечаги якшанба, соат тонги 6. “Чилонзор буюм бозори”, халқ тилидаги “Отчопар” дамиз. Бир ёқда хира киракшлар, бир ёқда эса ёймачилар ер устию ер остигача эгаллаб олган. Зўрга “Бек барака” томонга ўтволдик. Уч болам билан кўл ушлашиб олганмиз. Ҳали ичкаридаги дўконлар ёпик, йўл устини эса тўлагича “бирровчи” савдогарлар эгаллаб олган (уларнинг патта пули кимнинг чўнтагига тушиши номаълум).



битта баҳона тўқилди...

Томоша кейин бошланди. Нақд пулимиз камрок, пластигимда икки миллионча бор. Ниҳоят харидни бошладик. Бирига бош-оёқ кийим, бирига мактаб учун зарур нарсалар, хуллас, бу ёғи байрам. Тўнғичим кийимларни танлаб бўлди, сотувчига пластик картамни узатсам, бурнини жийрди. “Ўтмайди опажон, “Хумо” бўлса майли, мана, кеча зўрлаб терминал аппарат беришди, эскисини топширдик. Ана, банкоматга боринг”. Банкоматда эса адоғи йўқ навбат. Бу бошланиши эди. Ишонинг, камида 20-30 та дўконга умидвор бош суқдик. Ҳаммаси жўр бўлиб “пластик ўтмайди!” дейишди. “Худо хайрларингни берсин, ҳечкурса “клик”дан ўтқизволдлар”, йўқ, минг

Менга ўхшаб асаби чатнаган мижозларнинг кўпини кўрдим. Тўғри-да, сумка тўлдириб пул кўтариб юрган қаёқдаю, иччам ва қулай пластикни ишлатиш қаёқда. “Отчопар” ҳақиқий отбозорга айланибди. Ит эгасини танимайди, қочган ким, қувган ким. Бундай аянчли аҳвол қачон ўнганди? Ҳаммаёқда масъуллар савдо-сотик, олди-берди, қўйингки, ҳар қандай тўлов тури амалда, деб турган вақтда бу каби машамаларга ким жавоб беради? Сўрарсиз, бозорингиз нима бўлди, деб. Энди байрамдан кейин келамиз Тошкентга, унганча зора ўндан тўққизни ураётган олғир, ёлгончи дўкондорларни инсофга келтириб қўядиганлар топилиб қолар...

З. МАМАТҚУЛОВА, Жиззах вилояти

“XXI asr” га жавоб берадилар

Интизомий чора кўрилди

Хабарингиз бор, газетамизда “Одамлар нима дейди?” рукнида турли мавзуларга оид муаммо ва таклифлар, мулоҳазалар баҳоли қудрат ёри-тиб бориляпти.

Ушбу саҳифада шу йилнинг 20 июнь санасида Раҳимжон Турдиев им-зоси билан “Ишонмаганлар синаб кўрсин” сарлавҳали танқидий мулоҳа-за чоп этилганди. Муаллиф унда Навоий шаҳар ва Тошкент (Шимоллий) темир йўл вокзаллари ходимларининг ўз ишига масъулиятсизлиги, со-вуқдонлиги, мижозларга ёлгон ахборот бераётганини танқид остига олиб, асос сифатида бир нечта мисол келтиради.

Хуллас, ана шу бир энлик хабарча кўпчилиكنинг диққат-эътиборини тортиш билан бирга, ушбу ҳаволамизга Ўзбекистон Республикаси транс-порт прокуратурасидан жавоб хати келди. Транспорт прокурори ўрин-босари Ғ. Мухамедов имзоси билан келган мактубда жумладан шундай дейилади:



Навоий темир йўл вокзаллари-даги мазкур ҳолатлар юзасидан хизмат текшируви тайинланиб, унинг хулосасига кўра, мазкур жа-мият директори ҳузурида йиғи-лиш ўтказилди. Йиғилиш мажлиси қарорига кўра, “Ўзтемирйўлийлов-чи” АЖнинг Бухоро филиали бо-шлиги Ф. Бозоров, Навоий вокзали бошлиги Ш. Ходжаев, Тошкент жа-нубий вокзали чиптахона бошлиги А. Со-диқов, чипта сотувчилар Н. Раҳи-мова ва С. Баҳодирова интизомий жавобгарликка тортилди”.

Ҳ.С.: Бугун жамоатчилик назорати чинакамига ўз вази-фасини ўта-япти. Муаммоларни бартараф этишда нафақат тегишли идоралар, балки фуқаролар ҳам ўз ҳиссасини қўшишга ва шу орқали давлат, жа-ми-ят ишларида камарбаста бўлишга интилишмоқда.

Ўйлаймизки, юқоридаги ҳолатлар бошқаларга ҳам ибрат бўлади. Нашримизда чоп этилган молага беъэтибор бўлмагани ва ўз вақти-да тевишли чора кўрсани учун Ўзбекистон Республикаси транспорт прокуратурасига ўз миннатдорчилигимизни билдира-миз.

Тахририят

Сирдарёда

Халқаро инвестиция форуми бошланяпти

Вилоят ҳокимлиги матбу-от хизматидан хабар бериш-ларича, ушбу анжуманда хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор элчилари, ҳуку-мат вакиллари, эътиборли жиҳати, 50 дан ортик давлат-дан 150 дан ортик нуфузли компаниялар ходимлари қатнашиши кутилмоқда.

Хабарингиз бор, кейинги ик-ки-уч йил орасида бошқа ҳу-дудлардан фарқли ўлароқ, шу вақтгача кўпчилиكنинг эътибори қаратилмаган Сирдарёда ўз биз-несини йўлга қўйишни ният қилган хорижий ва маҳаллий ишбилар-монлар сафи тобора кенгаётгани кузатилмоқда. Айни пайтда ҳам бу

ҳудудда бир нечта хорижий инвес-торлар иштирокидаги қўшма кор-хоналар фаолият кўрсатяпти. Би-ринчи марта ўтказилаётган ушбу форумда 200 млн. доллардан кўпроқ инвестицион ва экспорт шартномалари имзоланиши тах-мин этиляпти.

Форум кун тартибида қайд этилганидек, иштирокчилар учта секцияга бўлиниб, аввало, ҳудуд-нинг савдо-иқтисодий ривожлани-ши хусусида таклиф-тавсияларни таҳлил этса, иккинчи секцияда вилоятда қурилиш индустрияси ва муқобил энергиясини ривожланти-риш масалалари атрофлича муҳо-кама қилинади. Яна бир асосий жиҳат шуки, кўпчиликини қизиқти-раётган учинчи секцияда қатна-шувчи инвесторлар вилоят қишлоқ



ҳўжалигини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалик махсулотларини маҳаллий шароитда қайта ишлаш учун капитал жорий қилишнинг тартиб-тамоийларини ўрганиш ниятида.

Халқаро анжуман доирасида «Гул байрами», «Қушлар байра-ми» ва «Қовун сайли» ҳам ташкил этилади.

Ўз мухбиримиз

Тўёналар тўйбоп

■ Андижон вилоятида айни пайтда бунёдкорлик ишлари авж палласида. Маҳаллаю кўчалар, бозор-лару шиқхоналар, аҳоли уй-жойларидан тортиб, ижтимоий соҳа объектлари дейсизми – барчаси янгича кўриниш касб этмоқда.

Юқоридаги ўзгаришлар сил-ласида келажакимиз давомчилари бўлмиш ёш авлод вакилларига қаратилмаётган эътибор эса алоҳида аҳамиятга молик. Хусусан, спорт иншоотлари, билим юртлари, таъ-лим ҳамда маданий-маърифий масканларнинг барпо қилинаёт-гани эртамиз эгаларининг етук камолга етиши учун қилинаётган шарт-шароитлардир.

Мисол учун, хозирда Мактаб-

гача таълим вазирилиги ҳузуридаги “Инфратузилмани ривожланти-риш бўйича” инжиниринг компа-нияси Андижон вилояти филиа-ли буюртмасига кўра қўшимча 25 ўринли мактабга тайёрлов гуруҳи ташкил этилмоқда. Хўжаобод ту-мани Мустаҳкам маҳалла аҳли фарзандлари энди мактабгача таълим-тарбияни янги типдаги 11-МТМ биносиди олишади. Ушбу икки қаватли иншоот бағрида ёшга



оид гуруҳ хоналари, болалар ўй-наш майдончаси, ёзги айвонча, бассейн, ошхона ва бошқа хўжа-лик биналари мужассам. Эътироф этиш жоиз, 100 ўринга мўлжал-ланган мазкур 3,4 миллиард сўм-лик лойиҳа Улугбек Мадррахимов раҳбарлигидаги “Стандарт бино-кор қурилиш” масъулияти чеклан-ган жамияти қурувчилари саъй-ха-ракати билан амалга ошди.

– Шунингдек, Избоскан туманидаги 18-МТМ биноси анчайин эскириб, ачинарли кўринишга ке-либ қолган эди, – дейди филиал бош муҳандиси Султонбек Эгам-бердиев. – Бу ерда белгиланган лойиҳа доирасида мажуд хо-налар, пол, том, болалар ўйнаш айвончаси таъмирланди, иситиш

тизимлари янгиланиб ҳудуд обо-донлаштирилди. Бу кенг кўламли қурилиш ишларини “Шаҳрихон қу-рилиш-монтаж кўрки” масъулияти чекланган жамияти бинокорлари бажарди.

Дарвоқе, Андижон шаҳрида-ги замонавий, шинам ва кўркам 4-мактабгача таълим муассасаси барпо этилишида “Хокан” хусу-сий корхонаси бунёдкорларининг хизмати алоҳида мақтовга лойиқ. Лўнда қилиб айтсак, вилоятда-ги бу каби таълим муассасалари Мустақиллик байрами арафасида болажонларнинг шўх-шодон қул-гулари оғушида бўлади.

Ю. ОЧИЛДИЕВ, “XXI asr” мухбири

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ҳуқуқида

Байрам тўхфаси шундай бўлсин-да!

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 20 февралдаги “Президент мактабларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ижро-си доирасида Наманган шаҳрида маҳобатли мактаб қад ростламоқда. Эътиборлиси, мазкур лойиҳа му-ддатидан олдин, яъни шу йилнинг октябрь ойида якунланиши кўзда тутиляпти. Ушбу масъулиятли ва-зифани азамат қурувчи Анваржон Исмонов бошлиқ “Зафар қурилиш сервис” масъулияти чекланган жа-мияти жамоаси зиммасига олган.

Шунингдек, вилоятда инвестици-он лойиҳаларни ўзида акс эттираёт-ган таълим-тарбия масканлари бар-по этилиши давом этмоқда.

Чунки, Мактабгача таълим ва-зирлиги ҳузуридаги “Инфратузилма-ни ривожлантириш бўйича” инжини-ринг компанияси Наманган вилояти филиали буюртмасига асосан 34 та муассасада бинокорлар томони-дан реконструкция ва бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда, қурилиши тугалланган объектлар бирин-кетин

фойдаланишга топширилмоқда. Яқинда Тўрақўрғон тумани Қуж-рон қишлоғида жойлашган 125 ўрин-ли 46-мактабгача таълим муассаса-си мукамал таъмирдан чиқарилиб, болажонлар ихтиёрига берилди. Мазкур 2,9 миллиард сўмлик лойиҳа рўёби йўлида тажрибали қурувчи Ҳамидилло Эгамбердиев етакчи-лигидаги “401-ХММКК” масъулияти чекланган жамияти жамоаси жонбоз-лик кўрсатди.

Айни туман Темир қишлоғи ҳу-дудидаги 125 ўринли 44-МТМ би-носи ҳам реконструкция қилинди. Бу ерда “Чиндовул қурилиш инфо” хусусий корхонаси бинокорлари қу-рилиш-монтаж ишларини бажарди. Жумладан, 25 ўринли болалар гу-руҳи учун қўшимча тикланди, ошхо-на, маросимлар зали ва барча гуруҳ хоналари тўлиқ таъмирланди.

Косонсой тумани Чўнғош маҳалласидаги 30-мактабгача таълим муассасаси биноси фой-даланишга яроқсиз аҳволга келиб қолганди. Ҳолат йилбошида мута-саддилар томонидан ўрганилди.



Суратда: (чопдан ўнганга) МТВ лойиҳалар техник назоратчиси Хусниддин Мадумаров ва “ЯБХ” ИК техник назоратчиси Улугбек Мухторов.

Натижада объект тегишли инвести-цион дастурга киритилиб, қайта қу-рилиши режаланди. Март ойида эса Бахтиёр Жафаров раҳбарлигидаги “Озод” масъулияти чекланган жа-ми-яти қурувчилари энг шимариб ишга киришди. Ҳозирда қурилиш ишла-ри ниҳоясига етай, деб қолган. Шу

тобда пардозлаш ишлари тугаллан-ган, ободонлаштириш жадал сурь-атларда кетяпти. Ушбу замонавий иншоот насиб қилса, истиқлолимиз шодибаналари арафасида болажон-ларга байрам тўхфаси бўлажак.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ, “XXI asr” мухбири

ТУЗАТИШ:

“Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Сурхондарё вилоят филиали қуйидагиларни маълум қилади!

“XXI asr” газетасининг 08.08.2019 йил 31 (821)-сонидида чоп этилган “Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Сурхондарё вилоят филиали томонидан берилган хабарномадаги “очик аукцион” жумласи “ёпик аукцион” деб ўқилсин.

“CHINA LEASING IMPEX” КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ 7

ҳамюртларимиз учун янги давр, эркин ва озод ҳаётни бошлаб берган қутлуғ сана – Мустақиллик байрами билан барча ватандошларимизни самимий қутлайди!
Мамлакатимизда бир оила фарзандларидек аҳил, ҳамфиқр, ҳамжихатликда яшайтган барча миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ҳамиша барқарор бўлсин!

“CHINA LEASING IMPEX” компаниясининг мақсади – Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқарувчилар сонини кенгайтириш, тайёрланаётган маҳсулотлар турини бойитиш, сифатли ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган лойиҳалар билан таъминлаш, экспорт учун тайёрланаётган маҳсулотлар тури, сони ҳамда сифатини ошириш ва шу орқали Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшишдир.



Биз учун мижозларимиз манфаатлари – асосий мезон



Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, 7-уй. Мўлжал: ЛАДА автосалони ёнида.



Маълумотлар маркази: 97 2117777; 97 512 77 77; 90 4330550; 90 4380770

www.uskunalar.uz

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ШИРКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ШИРКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ШИРКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ШИРКАТИ

Хизматлар лицензияланган.



“Шўртан Газ Кимё мажмуаси”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

юртдошларимизни яқинлашиб келаётган қутлуғ байрам – Ватанимиз

мустақиллигининг 28 йиллиги билан самимий табриклайди.

Истиқлол нашидаси, байрам сурури ҳар биримизни яхши ниятлар, эзгуликлар сари ундайверсин.

Хонадонингиздан кут-барака, қалбингиздан қувонч, юзингиздан табассум аримасин.




“Қўрғонтепа дон маҳсулотлари”

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

сизларни мустақиллигимизнинг 28 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади!

Ватанимиз ободлиги, халқимизнинг турмуш фаровонлиги, дастурхони тўкинлигини таъминлаш йўлида олиб бораётган шарафли ва масъулиятли хизматимизда кўмакдош ва елкадош бўлаётган юртдошларимизга ҳамisha таъзимдамиз. Нуроний оқсоқоллар, муҳтарам фахрийларимиз, мўътабар, дуогуё онахонларимизга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик тилаймиз. Шашти баланд, шижоатли ёшларимизнинг шахдам қадамлари бунданда зиёда бўлиб, жонажон диёримиз шону шавкати жаҳон узра таралаверсин!
Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!



Маҳсулотлар сертификатланган

ТАБРИК

ЭЪЛОН



Мустақиллик байрамингиз
муборак бўлсин!

28

Юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрам –
Мустақиллик куни билан чин дилдан табриклайди!

Сизга ва оила аъзоларингизга бахт-саодат, тинчлик хотиржамлик
тилаб қоламиз. Юксак марраларни забт этиш йўлидаги улуғвор
мақсадларингиз рўёбга чиқсин.
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган

“AUTO AUCTION CENTRE”

масъулияти чекланган жамияти

Бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидан
ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога “Ангрен шаҳар тўланганлиги ҳақидаги тўлов деҳқон бозори” масъулияти чекланган жамиятининг 2019 йил 8 августдаги буйруғига асосан мазкур жамият балансидаги 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 158 УАА бўлган “Нексия” русумли автотранспорт воситаси кўйилмоқда. Мулкнинг бошлангич баҳоси – 12 986 000 сўмдан

Савдо 2019 йил 20 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати 2019 йил 19 сентябрь куни соат 12:00 да тўхтатилади. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закат пули

тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат пулини “AUTO AUCTION CENTRE” масъулияти чекланган жамиятининг АИТБ “ИРАК YO‘LI BANK” Миробод филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000300950272001, МФО:01101, СТИР:305901464.


Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиладиган манзил:
Тошкент шаҳри
Миробод тумани
Авлиё ота кўчаси 13-уй.

Мурожаат учун телефон:
(71) 252-55-10

Хизматлар лицензияланган

Хизматлар лицензияланган

Табриқорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати, “Табриқор аёл” республика ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси Гулнора Маҳмудовага уласи Баҳодир СОЛИБЕВИНГ вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI –
O‘ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

XXI
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ
Таҳрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ Аҳам ШОДМОНОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ Тулқин ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ Виктор ПАК
Мавлуда ХУЖАЕВА Насимжон АЛИМОВ
Спирожиддин САЙИДИ Аслиддин АЛМАРДОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73-уй.
электрон почта:
xxi_asr@umail.uz

Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80
(тел./факс).
Котибхона – 71 281-40-17
Обуна ва реклама
бўлими –
71 215-60-45, 71 255-68-50

“XXI asr” ijtimoiy-siyosiy gazetası Ўзбекистон
Мағбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда
0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми – 4 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 858 Тираж: 7266
Баҳоси келишилган нархда.
ЎЗА якуни – 00:05
Топширилди – 01:35

Таҳририятга келган кўлзмапар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнер
Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
12345

Навиъатчи муҳаррирлар:
Озод РАЖАБОВ, Элбек ШОЙИМКУЛОВ.